

IQTISODIY TADQIQOTLAR  
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,  
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

1  
2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT  
UNIVERSITETI**

**“IQTISODIYOT” FAKULTETI**

**IQTISODIY TADQIQOTLAR  
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,  
“ECONOMIC RESEARCH”)**

**ILMIY JURNALI**

**1**  

---

**2021**

**Toshkent**

1  
2021

Elektron ilmiy jurnal  
Научный журнал  
Scientific magazine

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY  
JURNALI**

**MUASSIS**

Toshkent davlat iqtisodiyot  
universiteti

**Tahrir kengashi raisi:**

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,  
akademik

**Tahrir kengashi:**

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor  
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor  
Xudoyqulov Sadreddin Karimovich – i.f.d., professor  
Begalov Baxodir Abdusalovich- i.f.d., professor  
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor  
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor  
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor  
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor  
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor  
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor  
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor  
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor  
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD  
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent  
Asqarova Mavluda Turopovna- i.f.n., dosent  
Xajiiev Baxtiyor Dushaboyevich- i.f.n., dosent  
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent  
Kamalova Malika Nizamovna- i.f.n., dosent  
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

**Tahrir hay'ati:**

Begzod O'rinnov- (AQSh)  
Uktam Burhanov – (Chekiya)  
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)  
Mark Rozenbaum (AQSh)  
Wolfgang Lukas (Germaniya)  
N.V. Morozov (Rossiya)  
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)  
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)  
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)  
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)  
Sherqul Shodmonov (Toshkent)  
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)  
Axmedjon Mamatov (Toshkent)  
Ju Jengron (Xitoy)  
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY  
JURNALI**

**1  
2021**

**Elektron ilmiy jurnal  
Научный журнал  
Scientific magazine**

**Bosh muharrir:**

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

**Adabiy muharrir**

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

**Bosh muharrir o'rbinbosari**

Amirov L.F. - PhD

**Musahhih:**

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydala-nilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

**Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>**

**E-mail: [economicresearchjournal@gmail.com](mailto:economicresearchjournal@gmail.com)**

## MUNDARIJA

### **IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT**

Xajiyev B.D.	Milliy iqtisodiyotda daromadlar taqsimoti adolatlilagini ta'minlashning konseptual asoslari	5
--------------	---	---

Mamatov A.A. Erkayev A.N.	O'zbekiston iqtisodiyotini transformasiyalashuvi jarayonida investision mexanizmning roli	13
------------------------------	---	----

### **BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHUV**

Maxmudov N.	Innovatsion faoliyatning asosi – intelektual salohiyat	24
Amirov L.F.	O'zbekistonda qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirish muammolari	33

### **INSON RESURSLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIY SIYOSAT VA BANDLIK**

Goyipnazarov S.B., Saidov N.R., Yuldashev S.	Human capital and methodological aspect of calculating it: a global approach	45
Irmatova A.B., Isamuxamedov B.B.	O'zbekistonda kambag'allik holatining tahlili	57
Qosimov A.A.	Mehnat bozorining rivojlantirish va aholi bandligini ta'minlash yo'llari	72

### **TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH**

Salimov B.T., Salimov B.B.	Kichik va o'rta biznesni innovasion rivojlantirish	81
Yusupov M.S., Ismoilova G.T.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash tizimini rivojlantirish mexanizmlari	86
Salimov Sh.B.	Kichik va o'rta biznesda innovasion faoliyatni rivojlantirish	103

### **TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH**

#### **YULLARI, MUAMMOLAR, TAXLIL VA NATIJA**

Muhiddinova M.S.	Muqimiy ijodining yetakchi xususiyatlari	109
Kamalova M.N.	Модернизация системы языковой подготовки студентов неязыковых вузов Узбекистана	124
Xolmatova Sh.M.	Профессиональная компетенция в процессе преподавания русского языка как иностранного	131

## **ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ИНВЕСТИЦИОН МЕХАНИЗМНИНГ РОЛИ**

**Маматов Ахметжон Атажанович -  
Жамоат Хавфсизлиги университети  
иқт.ф.д. профессор**

**Эркаев Акром Нормухаммадович -  
ЎзДЖТУ тадқиқотчи**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда мустақиллик ийларида иқтисодиётнинг маркибий тузилмасини ривожланиши, унга таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Инвестицияларнинг хажми, унинг турлари ва тармоқ маркибини миллий иқтисодиётнинг маркибий тузилмасига таъсири тадқиқ этилган. Рақамли иқтисодиётга ўтиши даврида миллий иқтисодиётнинг маркибий тузилмасини такомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** маркибий тузилма, такрор ишлаб чиқарии тузилмаси, технологик баъзис, глобал инновацион индекс, саноат, хизмат кўрсатиши, технологик уклад, инвестиция, инновация, иқтисодий ўсиш.

**Аннотация.** В статье рассматривается развития структуры экономики Узбекистана в годы независимости и факторы, влияющие на его. Исследовано влияние объема, видов и отраслевой структуры инвестиции на структуру национальной экономики. В ходе перехода к цифровой экономике были разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию структуры национальной экономики.

**Ключевые слова:** структура, воспроизводственная структура, технологическая база, глобальный инновационный индекс, промышленность, сфера услуг, технологический уклад, инвестиции, инновации, экономический рост.

## **THE ROLE OF THE INVESTMENT MECHANISM IN THE TRANSFORMATION OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN**

**Mamatov Akhmetjon Atajanovich –  
University of Public Security,  
Doctor of Economics Professor  
Erkaev Akrom Normuhhammadovich  
Researcher, UZSWLU**

**Annotation.** The article examines the development of the structure of the economy of Uzbekistan in the years of independence and the factors influencing it. The influence

*of the volume, types and sectoral structure of investments on the structure of the national economy has been investigated. During the transition to the digital economy, proposals and recommendations were developed to improve the structure of the national economy*

**Key words:** structure, reproductive structure, technological base, global innovation index, industry, service sector, technological mode, investment, innovation, economic growth.

**Кириш.** XXасрнинг охири ва XX1 асрнинг бошида етакчи ривожланган хорижий мамлакатлар иқтисодиётида таркибий тузилмавий ўзгаришлар трендлари, аввало, тизим рақобатбардошлигини ошириш, ўсиш динамикаси ва иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи техник-технологик омилдан келиб чиқади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги тармоқ ва такрор ишлаб чиқариш тузилмаларидағи, техник-технологик базасидаги туб сифат ўзгаришлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган фан сифимкор технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг бозор механизмини шакллантириш даврида миллий иқтисодиётга хос таркибий тузилмавий ўзгаришлар қўп жиҳатдан мавжуд макроиқтисодий таркибий тузилмавий номунатосибликлар билан изоҳланади. Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги ҳозирги илмий-техник ва технологик ҳолатни етакчи ривожланган мамлакатларнинг технологик ривожланиш даражасига қувиб этишга қаратилган сиёsat деб тавсифлаш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг технологик баъзисининг ривожланиш даражаси жуда паст. Мустақиллик йилларида иқтисодиётни бозор механизмига ўтиш даврида миллий иқтисодиётга юқори фан сифимли техник-технологиялар олиб келиш учун етарли даражада хорижий инвестициялар кириб келмади. Бу миллий иқтисодиётнинг юқори фан сифимкор технологиялар баъзисида рақобатбардошликни хамда асосий фонdlарнинг янгилиниш суръатларини пасайиши ва билим талаб қилувчи саноатнинг номунатосиблигини кучайиши билан бирга юз берди. Бунга қўшимча қилиб мустақиллик йилларининг ilk даврларида халқаро савдо муносабатларда етарли тажрибани йўқлиги сабабли сотиб олинган янги техника ва технологиялар ўз хаётий даврининг якуний босқичидаги, маънавий эскирган технологиялар эди.

Бу миллий иқтисодиётда юқори фан сифимкор технологияларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш моддий-техник базани, янги технологик ечимларни янгилаш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнларида фаол жорий этишни долзарблигини ифода этади. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда юқори фан сифимкор технологияларни ривожланишининг аниқ тенденцияси мавжуд бўлиб, у тармоқлараро илмий билимларнинг ўзаро бир-бирига киришиб боришида ифодаланади ва бу янги таркибий ўзгаришнинг фаоллигини оширади. Янги технологик базисни шакллантириш миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. “Албатта, биз эски тизимни батамом ўзgartириб, ўз олдимизга қўйган мақсадга тўлиқ эришдик, деб

айтишга ҳали эрта. Такорот айтаман, биз ҳар куни изланишдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, холос [1].

Сўнгги икки ўн йиллиқда техник-технологик ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти таркибида хизматлар соҳасининг саноат соҳасидан устуворлик қилиш тенденсияси кузатилмоқда. 2019 йилда жаҳон ЯИМ таркиби қуйидагича: қишлоқ хўжалиги-6,4%, саноат соҳаси-30%, хизмат кўрсатиш соҳаси-63 %. Кўпчилик техник-технологик ривожланган мамлакатларнинг ЯИМ ушбу тенденсияга мос келади [2].

Хизмат кўрсатиш соҳасининг саноат секторидан устувор бўлишининг глобал тенденсияси Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам хосдир, бироқ Ўзбекистонда бу тенденция муайян ўзига хосликлар билан ажralиб турди. Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаси улушкининг ўсиши моддий ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва меҳнат ресурсларининг хизмат кўрсатиш соҳасига оқиб ўтиши натижасида, Ўзбекистонда эса хизмат кўрсатиш соҳасининг устунлиги саноатнинг ўсиш суръатларини пасайиши хамда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиш тенденсияси билан юз берди. Саноатнинг ялпи жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар, хизматларнинг умумий ҳажмида юқори технологик товарлар улуши 1,7%ни ва ўрта-юқори технологик товарлар, ишлар, хизматларнинг улуши 19,1% ни ташкил этди, бу 2015 йилда 17,1%га нисбатан 4,1пункга ўсган[3]. Такқослаш учун, шунга ўхшаш кўрсаткичнинг ривожланган мамлакатлар ЯИМ даги улуши камида 75% ни ташкил этмоқда.

### **Асосий қисм**

Миллий иқтисодиётда янги технологик укладнинг ажралмас қисми сифатида юқори фан сиғимкор технологияларнинг учта асосий тури тавсифлайди: ишлаб чиқариш ва иқтисодий талабларга жавоб берадиган технологиялар, фундаментал илм-фан технологиялари ва комбинацион технологиялар. Бугунги кунда Ўзбекистон учун техник-технологик ривожланишнинг бир қатор варианtlари билан бирга, комбинацион хусусият тобора муҳим рол ўйнайди. Миллий иқтисодиётнинг технологигик даражаси ва унинг таркибий тузилмасини 2010-2020 йилгача ривожланишнинг янги омиллари билан боғлиқ инвестицион фаоллик қуйидаги жадвалда келтирилган.

#### **1.жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикасининг инвестицион фаоллигининг асосий кўрсаткичлари (млрд сўм)<sup>14</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2010	2014	2018	2020
1.	Асосий капиталга киритилган жами инвестициялар	16463,7	37646,2	107231,3	202000,1
2.	Чет эл инвестициялари ва кредитлари	4340,8	6980,1	30154,8	86647,0

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати Т.: 2021.- Б. 137.

3.	Асосий фондларни ишга тушириш	13784,6	29770,2	121953,6	53126,2
4.	Қурилиш ишлари	8245,8	20060,4	51129,3	103020,0
5.	Ишга туширилган уй-жой умумий майдони, млн м <sup>2</sup>	8,9	11,4	13,4	14,6

Жадвал маълумотларига кўра Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиялаштириш манбалари хисобидан 2010 йилда 16,4 трлн. сўм, 2014 йилда 37,6 трлн. Сўм, 2018 йилда 107,8 трлн. Сўм, ва 2020 йилда 202 трл сўм (доллар эквивалентида 20,1 млрд. АҚШ доллари) ёки 2019 йилга нисбатан жаҳон инқирози ва пандемия сабабли 91,8% асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Асосий капиталга инвестиациялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 2,2 марта ва 2015 йилга нисбатан 134,7 %га кўпайган.


Инвестициялар, биринчи навбатда, тез капитал айланмасига эга бўлган тармоқларга йўналтирилган ва инвестиция фондлари бўйича энг қисқа вақтда қайтиш тавсифига эга бўлган, хизмат кўрсатиш соҳаси ва қазиб олиш саноати каби тармоқларга қаратилган. Бундай инвестиция сиёсатининг натижаси юқори қўшимча қиймат яратувчи, иқтисодий ўсиш ва мамлакат иқтисодий хавфсизлиги жараёнларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тармоқларнинг ўта паст рақобатбардошлигига олиб келади.

Бу Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги глобал инновацион индекс кўрсаткичидаги ўз ифодасини топган. Ўзбекистон жаҳон глобал инновацион индекс кўрсаткичи бўйича жаҳонда 131 мамлакатлари ўртасида 93-уринни эгаллади. Рейтинг етакчилари Швейцария, Швеция, АҚШ, Нидерландия ва Буюк Британия. Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида етакчи ўрини Хиндистон (48-урин), иккинчи ўринда Эрон (67), ва Қозоғистон учинчи (77) ўринни эгалламоқда[4]. Мамлакатда тадбиркорлик ва инновациялар учун шарт-шароитлар ва қулайликлар муутазам яратиб борилаётганлигига қарамай Ўзбекистоннинг 2020 йилдаги глобал инновацион индекс кўрсаткичи рейтинги 93 ўринда қайд этилиши ўта аянчли ҳолдир [5]. “Ўзбекистон - 2030” дастурига кўра истиқболда 2030 йилга бориб глобал инновацион индекс кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон жаҳондаги 50 та инновацион ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишни режалаштирилган.

Мамлакатнинг техник-технологик ривожланиш даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири унинг технологик баъзисидир. Технологик баъзис ишлаб чиқариш жараёнларини, инфратузилма ва инсон капиталининг моддий-техник таркибий қисми бўлган технологиялар мажмуаси сифатида тавсифланиб, улар биргаликда такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг фаолият кўрсатиши ва мамлакатнинг технологик ривожланишини таъминлайди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий тузилмасидаги шаклланган номунатосибликларга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмасида ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Инвестицияларнинг такрор ишлаб

чиқариш тузилмасида ҳам сезиларли сифат ўзгаришлари юз берди. Тадқиқ қилинаётган даврдан ТТХИ фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ва асосий фондларни янгилашга йўналтирилди. Бу республикамизда мутлақо янги бўлган замонавий корхоналарни барпо этиш борасида бир қатор йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш имконини берди.



## 1. Расм. Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг технологик таркибининг ўзгариши (амалдаги нархларда, (% да)<sup>15</sup>.

Янги ишлаб чиқариш обьектларини барпо этиш ва инфратузилмани ривожлантириш борасида қатор йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши капитал қўйилмалар технологик таркибининг ўзгаришига олиб келди. Бунда умумий инвестицияларнинг қарийб 51,7% янги юқори технологияли асбоб-ускуналарни харид қилишга йўналтирилганлигини кўришимиз мумкин.

Иқтисодий ўсишнинг манбаси бўлиб билимларни ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланмоқда. Билимлар иқтисодиётининг шаклланиб бориши жараёнларини институционал индекси, билимлар индекси, инновациялар индекси, таълим индекси ва АҚТ индекслари асосида кузатиб бориш мумкин. Шунинг учун ҳам билимларга қилинаётган инвестициялар миқдори асосий фондларга қилинаётганларга нисбатан ўсиб бормоқда. Билимлар - маҳсулотдир, бир томондан, шахсий бўлиб, бошқа томондан эса жамоавийдир, яъни улардан барча кишилар фойдаланишлари мумкин [6].

Ўзбекистон миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасидаги номунатосибликлар мустақилик йилларида мамлакатда ИТТКИни қолдиқ тамойили асосида молиялаштириш тизими мавжудлиги билан тавсифланади.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплами. 2010-2018 йиллар.-Б 228, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати 2021 йил. –Б. 147.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси хамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 24-сон «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг иқтисодиётни техник-технологик жиҳатдан модернизация қилиш, таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада 2016 йилдан мамлакатимизда илмий тадқиқот ва тажриба –конструкторлик ишларига харажатлар хажми кескин ўсди. Ушбу соҳага 2016 йилда 428485,5 млн сўм, 2018 йилда 516493,3 ва 2019 йилда 589577,7 млн сўм инвестиция йўналтирилди. Бу 2019 йилда ЯИМга нисбатан 1,1%ни ташкил қиласиди.

Ўзбекистонда илмий тадқиқот ва тажриба –конструкторлик ишларини амалга оширган ташкилотлар сони 2015-йилдаги 323тадан 2020-йилда 304 гача камайган ва унда фаолият олиб бораётган тадқиқотчилар сони ҳам тадқиқ этилаётган даврда 13552тадан 2020 йилга келиб 13288 тага камайган. 2015 йил натижаларига кўра, ялпи экспортда юқори технологияли товарлар экспорти улуши 0,2%дан 2020 йилга келиб сезиларсиз даражада 1,7%га ўсган [7].

Иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг тармоқ таркибининг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасидаги ўзгаришларда ўз аксини топади. Чунки инновацион иқтисодиётга ўтиш талабидан келиб чиқиб иқтисодиётда янги инновацион тармоқларнинг пайдо бўлиши, ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш инвестициялар таркибини ўзгаришини тақозо этади.

2020 йилда инвестициялар тармоқ таркибida саноатга йўналтирилган инвестициялар улушкини кескин ўсиши билан тавсифланади. “Мамлакат таркибий сиёсатининг бош мақсадларидан бири ҳам саноатда таркибий қайта тузишни амалга ошириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат [8].

**2.жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича инвестицияларнинг тармоқ таркибининг ўзгариши (%да)<sup>16</sup>**

	2010 й.	2014 й.	2018 й.	2020 й.
Қайта ишлаш саноати	14,2	12,7	20,7	31,1
Тоғ-кон саноати	9,2	18,5	12,9	20,5
Электр, газ билан таъминлаш	5,4	4,5	12,4	5,1
Қишлоқ хўжалиги	10,0	10,2	6,4	8,9
Ахборот ва алоқа	6,5	2,2	1,3	2,4
Курилиш	1,3	2,1	2,1	3,7
Ташиб ва сақлаш	21,5	11,2	6,8	4,7
Таълим ва маданият	6,4	5,7	5,1	5,2
Софликни сақлаш	1,9	2,4	2,2	2,3
Савдо ва овқатланиш	4,9	5,9	5,5	5,4
Сув билан таъминлаш, канализация	0,7	1,2	2,1	1,8
бошқалар	18,0	23,4	22,5	8,9

Жадвал маълумотларидан кўринадики тадқиқ этилаётган даврда инвестицияларнинг асосий қисми хом-ашё ишлаб чиқарувчи тармоқларга йўналтирилган. 2010 йилда инвестицияларнинг 38,8% йўналтирилган бўлса 2020 йилда саноатга йўналтирилган инвестицияларнинг асосий қисми 65,6% хом-ашё ишлаб чиқарувчи тармоқларга йўналтирилган. Унинг 20,5% тоғ-кон саноатига, 31,1% қайта ишлаш саноатига ва 5,1% электр, газ, буғ билан таъминлаш саноатига ва 8,9% қишлоқ хўжалигига тўғри келди. Миллий иқтисодиётда юқори фан сиғимли техник-технологик тармоқларни ривожлантиришга олиб келувчи ахборот ва алоқага ялпи инвестицияларнинг улуши 2010 йилда 6,5%дан 2020 йилга келиб 2,4%гача пасайган. Таълим ва маданиятга йўналтирилган инвестициялар ҳам тадқиқ этилаётган даврда 6,4%дан 2020 йилга келиб 5,2%га тушиб қолган. Инвестициялар тармоқ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги улушкининг барқарор ўртача 9% бўлиши бу тадқиқ этилаётган даврда соҳада турли шаклдаги агросаноат кластерларини ташкил этилиши билан боғлиқдир.

Таҳлилларга кўра Ўзбекистонда ялпи инвестициянинг тармоқ таркибига мос равишда 2020 йилда саноатга йўналтирилган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми миллий иқтисодиётда хом-ашё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплами. 2010-2018 йиллар.-Б 229., Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати 2021 йил. –Б. 147.

қайта ишлаш саноатига 42,1% ва тоғ-кон саноатига 18,2% ва электр, газ билан таъминлашга 8,3% тұғри келмоқда. Бу жами инвестицияларнинг 68,6%ни ташкил этмоқда Бу инвестициялар Қандым конлари гурухини ўзлаштириш, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, Маҳсулот тақсимоти келишуви асосида Қунғирот худудида геологик қидирудың ишларини олиб бориши, Жанубий Ҳисор ва Устюрт худудида углеводород қазиб олиш ва Қултоқ- Қамаши, Муборак Сурхон, Ашибулоқ ва Косқудук, Ғарбий Фарғона, Сурхондарё вилоятидаги конларга ишлов бериш, Ауминзо-Амантай конлари худудида олтин конларини қайта ишлаш ва қазиб чиқариш фаолиятлари бўйича тубдан модернизация қилишга йўналтирилган.

Инвестицияларнинг молиялаш манбалари бўйича таркибида муҳим сифат ўзгаришлари юз бермоқда. 2010-2017 йилларда ялпи инвестицияларда марказлаштирилган маблағлар улуши пасайиб борди ва 2018 йилга келиб уларнинг улуши кескин ўсиб ялпи инвестицияларнинг 32,1%ни ташкил этди. 2010 йилдан бошлаб, аксинча, марказлашмаган маблағлар улуши 2017 йилгача ўсида, бироқ 2018 йилга келиб уларнинг улуши 67,9%гача пасайди. 2020 йилга келиб жаҳон инқирози ва пандемияси сабабли марказлашган инвестициялар 19,5%ни ва марказлашмаган инвестициялар 80,5%ни ташкил этди. Марказлашмаган инвестициялар таркибида биринчи навбатда, хусусий инвестициялар ва хорижий инвестициялар улуши ошиб борди. Бу Ўзбекистонда эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари тараққиёти ва ялпи инвестициялар таркибидаги сифат ўзгаришлар натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ялпи инвестицияларда давлат бюджети харажатларининг улушкини 2010-2020 йилларда барқарор 6,5%ни ташкил этди. Давлат инвестицияларининг энг биринчи навбатда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга йўналтирилиши, пишвардида мамлакатни ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг юқори қўрсаткичларида, айниқса, қишлоқ тараққиёти динамикасида ўз аксини топди.

Инвестицион жараёнларда бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. 2010 йилда уларнинг улуши 6,7%ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 1,2%гача пасайди. Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг 40 фоизи “Тикланиш ва тараққиёт” жамғармаси ҳисобига тўғри келади.

Марказлашмаган инвестицияларнинг иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидаги улуши кейинги йилларда қарийб 80,5% ни ташкил этгани ҳолда, уларнинг ҳажми 2010-2020 йиллар мобайнида 3,5 пунктга камайди. Шу жумладан, корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган инвестициялар ҳажми 33,0%дан 2020 йилга келиб 25,7%гача камайган, Аҳоли ва корхоналар ўз маблағларини ишлаб чиқариши мөдернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришга, уйжой қурилишига ва хусусий бизнесларини кенгайтиришга кўпроқ даражада сарфлаш марказлашмаган инвестициялар таркибидаги муҳим сифат ўзгаришларни ташкил этади.

Инвестицион жараёнларда ўз навбатида аҳолининг жамғармалари иштироки ҳам тобора кенгайиб бораётганлигини муҳим сифат ўзгаришлар сифатида қайд этиш мумкин. Инвестициялар таркибидаги аҳоли маблағларининг улуши 2010 йилда 26,0%дан, 2020 йилга келиб 8,9%гача камайган. Аҳоли турмуш даражаси ва реал даромадларининг ўсиши эвазига аҳоли инвестицион фаолиятининг фаоллашуви аҳоли жамғармаларининг кўпайишига замин яратиб берди.

Банк – молия тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган чора – тадбирлар натижасида таҳлил этилаётган давр мобайнида тижорат банкларининг инвестицион салоҳияти етарлича кенгайди. Бунинг натижасида капитал қўйилмаларнинг умумий таркибида банк инвестицияларининг улуши 2010 йилда 9,7 %дан 2020 йилга келиб 14,1%гача ўсди. Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган йирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси бу давлат дастури бўйича “Ўзшаҳарқурилиш инвест” ИК томонидан шаҳар жойларда арzon кўп қаватли тураг жойлар қурилиши бўлиб ҳисобланади. Техник-технологик базани модернизация қилиш зарурати шароитида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг 79% дан кўпроғи қайтариш муддати уч йилдан кам бўлган узок муддатли кредитлар эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ҳолат, биринчи навбатда, хорижий қарзларнинг муаммоли табиати билан боғлиқ.

### **Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини трансформациялашуви шароитида инвестицион механизмнинг ишлаб чиқаришнинг техник-технологик даражасини оширишига тўсқинлик қилувчи бир қатор омилларга эга. Уларга:

Биринчидан, инвестиция ресурсларини ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича тақсимлашнинг институционал механизmlарининг жуда паст даражада ривожланганлигини ва асосий инвестициялар Ўзбекистон иқтисодиётига доминант бўлган, аммо юқори қўшимча қиймат яратмайдиган, асосан хом-ашӣ махсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга йўналтирилган. Давлат инвестициялари самарадорлиги пастлиги ва ИТТКИ учун хусусий секторнинг инновацион инвестициялаш учун шарт-шароитлар йўқлиги.

Иккинчидан, юқори технологик саноат тармоқларга инвестиция қилиш учун институционал кўллаб-қувватлаш тизимини йўқлиги. Корхоналарнинг бўш пул маблағларини, инвестицияларнинг катта ликвидлиги ва иқтисодий вазиятнинг бекарорлиги туфайли йирик лойиҳаларга сармоя киритишдан кўра, омонатларга жойлаштириш тенденцияси мавжуд.

Учинчидан, инвестиция ва энергия бозоридаги вазият ўртасида жуда яқин боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу иқтисодий ўсишга тасир этади. Ўзбекистон инвестиция бозорининг хорижий инвестициялар ва глобал макроиқтисодий мухитга кучли боғлиқлиги.

Таркибий тузилмавий ўзгаришларнинг инвестиция инструменти такрор ишлаб чиқариш тизимнинг трансформациясини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Иқтисодий фаолият (қазиб олиш саноати) энг даромадли турлари ва бешинчи

ва олтинчи технологик укладлар ишлаб чиқариш улушини ошириш қаратилган узоқ муддатли инвестициялар йўқлиги қисқа муддатли инвестициялар хукмронлиги Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий тузилмавий ривожлантириш учун кучли тўсиқ бўлмоқда. Самарали таркибий ва техник-технологик ўзгаришларни таъминлаш учун энг аввало инвестицион талабни хомашё соҳасидан янги технологик ишланмалар ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтириш ва уларга шарт-шароитлар яратиш зарур.

Таркибий тузилмавий ўзгаришларнинг янги турдаги импулсларга қаратилган инвестиция сиёсати учун чора-тадбирлар мажмуи зарурлигини белгилаб: биринчидан, хом-ашё сектори ва юқори технологияли сектор ўртасида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш механизмларини ишлаб чиқиш; иккинчидан, бюджет профицити таъминлаш, саноат ривожланиши манбаи сифатида юқори фан сифимкор техник-технологик самарадорлигини ошириш иқтисодий тармоқлар даромад даражасини ошириш; учинчидан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларнинг нарх бўйича рақобатбардошлигини даражасини таъминлаш имконини берадиган даражада сўм курсини сақлаб туриш; тўртинчидан, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнига инвестицияларни жалб этиш; бешинчидан, юқори технологияли секторга хусусий инвестициялар учун имтиёзли режимини яратиш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон иқтисодиётини трансформациялашуви жараёнида инвестиция механизми қўйидаги хусусиятларга эга: юқори қўшимча қиймат яратмайдиган тармоқларга капитал қўйилмаларнинг доминантлиги; асосан қисқа муддатли инвестициялар; асосий фондларга молиявий капитал қўйилмаларнинг инвестициялардан устунлиги, Ўзбекистон инвестиция бозорининг хорижий инвестицияларга боғлиқлиги ва глобал макроиқтисодий муҳит ва юқори технологияли саноат ва ишлаб чиқариш саноатларига инвестицияларни институционал қўллаб-қувватламаслиги. Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида истиқболда АҚТ, био ва нанотехнологиялар, кимё, фармацевтика, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, микроэлектроника, нозик кимё технологиялари, ахборот-коммуникация ва лазер-оптик технологиялар, тикланадиган энергетика ютуқларидан фойдаланиш, янги материаллар ишлаб чиқариш ва шу каби саноат тармоқларини ривожланишига олиб келувчи соҳаларга инвестицияларни йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. «Янги Ўзбекистон» газетаси бош мухарририга берган интервьюси. <https://daryo.uz/k/2021/08/17/>
2. The World Factbook 2019. Central Intelligence Agency [Electronic resource].- URL: <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook> .
3. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2021 йил. –Б.137, 138., 146, маълумотлари асосида хисобланди.
4. <https://nonews.co/directory/lists/countries/global-innovation-index>.

**5.** Ҳақбердиев Қ.Қ. МДХ мамлакатларининг инновациялар глобал индексида эгаллаган ўринлари: замонавий ҳолати ва истиқболлари. “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. №1, 2021 йил.

**6.** Абдуллаев О.А., Джуманиязов Ш.Р. Ўзбекистондп рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишга таъсири ва улардан самарали фойдаланиш йўллари. Рақамли иқтисодиёт: иқтисодий ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш истиқболлари: Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалари ва маъruzалари тўплами. -Т.: ТДИУ, 2019 – Б.9.

**7.** Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион фаолият статистик тўплам. Тошкент 2020. - Б.51.

**8.** Расулов F.C. Саноат тармоғини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. №3, 2018 йил.